

Акбарова К.А. - ТДШИ “Хорижий
мамлакатлар иқтисодиёти”
кафедраси ассистенти

ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИМКОНияТЛАР

Истеъмол маҳсулотлари хавфсизлиги мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши ва давлат мустақиллигини, уни ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондирилиш қобилиятини ифодалайди. Мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллиги тизимини устуворликлари ҳар бир давлатни иқтисодий ривожланишини конкрет босқичдаги ҳолати, хавф-хатарларни характери ва хатарлилик даражасига мувофиқ равишда қайта кўриб чиқилиши зарур ва мунтазам ўзгартириб борилиши лозим.

Бозор иқтисодиётини шакллантираётган мамлакатларнинг олдида турган муҳим муаммолардан бири табиий ресурслар миқдори чекланган ва сифати ёмонлашиб бораётган шароитда аҳолини иқтисодий ва жисмоний жиҳатдан етарли озиқ-овқатларга бўлган, ўсиб бораётган талабини қондиришдан иборат. Ўзбекистон мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга ошираётган ислохотлари жараёнида аграр секторни ривожлантириш ва мамлакатни озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш борасида жиддий натижаларни қўлга киритди. Шу билан бир қаторда аҳоли сонининг жадал суръатларда ўсиб бориши чекланган ер, сув билан биргаликда ресурслардан рационал фойдаланишни, инфратузилма салоҳиятидан, интенсив агротехнологиядан, рақобат афзалликларидан мамлакатни миллий манфаатлари ва озиқ-овқат хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу секторни узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон озиқ-овқат инқирози. 2007-2008 йилларда бошланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат нархини кескин ўсиб бориш тенденцияси давом этмоқда. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли сонининг тез ўсиши (жаҳон аҳолисининг йиллик ўртача ўсиши 85 млн. кишини ташкил этмоқда);

- озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабининг ўсиши ва таркибини сифатли маҳсулотлар ҳисобига ўзгариши (ривожланаётган мамлакатларда турмуш фаровонлигини ортиши дон маҳсулотларини истеъмол қилишдан мева-сабзавот, гўшт, сут ва балиқ маҳсулотларини истеъмол қилишга ўтмоқда);

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлик суръатларининг пасайиши (Марказий Осиё мамлакатларида дон маҳсулотлари ҳосилдорлиги иқтисодий салоҳиятнинг 35%ни ташкил этмоқда);

- глобал исиш туфайли иқлимнинг ўзгариши.

Жаҳон озиқ-овқат инқирози дунё мамлакатлари олдида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни хал этиш заруриятини келтириб чиқарди. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ўсиб бориш тенденцияси давом этмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари асосан ривожланаётган мамлакатлардаги барқарор иқтисодий ўсиш натижасида аҳоли таркибида ўрта синфни шаклланиши туфайли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ортиб бориши, биоёқилғи ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи мамлакатлардаги табиий иқлимнинг ноқулай келиши билан боғлиқ омиллар таъсирида содир бўлди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси иқтисодий айланма ва амалиётга илк бор 1974 йилда бўлиб ўтган Жаҳон озиқ-овқат саммитида таклиф қилинган бўлиб, “озиқ-овқат истеъмолчини барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларининг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари доимо мавжудлигини англатади”.

XXI аср бошларида иқтисодий адабиётда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича 200 дан ортиқ тушунча ва 450 кўрсаткичлар мавжуд эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича қабул қилинган таъриф қуйидагича: “... барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий хоҳишларига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларга эга бўлиши учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларга эгаллиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади демакдир”

Озиқ-овқат хавфсизлиги барча одамларни фаол, соғлом турмушини таъминлаш учун етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг доимо мавжудлиги билан белгиланади.

Хавфсизлик асосини озиқ-овқат маҳсулотларининг етарлилиги, кишилар томонидан уларни жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан сотиб олиш учун тўлов қобилияти ташкил этади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги даражалари:

- Жаҳон
- Минтақа
- Миллий
- Маҳаллий

➤ Уй хўжалиги

Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари:

- жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ғалла заҳираларини аҳоли истеъмолига нисбати 17-18%га тенг бўлиши зарур;

- жамғармаларнинг бешта асосий экспортёрлар бўлган талаблар кўрсаткичи (ЕИ-28, АҚШ, Бразилия, Хитой, Канада, Аргентина);

- бешта асосий экспортёрлардаги заҳираларнинг ўз ички истеъмоли ва экспортга нисбати;

- асосий импортёрлардаги донли экинлар ҳосили (ЕИ-28, АҚШ, Хитой, Япония, Россия, Канада);

- Хитой ва Ҳиндистон бошқа кам даромадли ва озиқ-овқат танқис бўлган мамлакатларда етиштирилган маҳсулотлар.

Дунёнинг кўп мамлакатларида озиқ—овқат хавфсизлигига эришиш қишлоқ хўжалиги ва савдо тармоғида стратегия ва дастурларнинг тадбиқига боғлиқ. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсати;

- Савдо сиёсати;

- Истеъмолни қўллаб-қувватлаш стратегиялари;

- Озуқа моддалар таъминоти дастурлари.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни мақсадлари:

➤ озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур ҳажмда мавжуд бўлишини таъминлаш;

➤ аҳолининг барча қатламларини ҳаётий муҳим хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишини таъминлаш (аграр соҳадаги хўжалик субъектларини ислоҳ қилиш ва уларни ўлчамларини мақбуллаштириш, жумладан самарадорликка эришиш учун чорвачилик хўжаликларида боқиладиган чорва моллари сонини камида 1000 бошга, сабзавотчилик экин ер майдонларини 85 гектарга, боғдорчилик экин ер майдонларини 40 гектаргача кўпайтириш талаб этилади);

➤ миллий генофондни яхшилаш учун мувозанатли ва сифатли овқатланишни таъминлашга йўналтириш

Жаҳон ва минтақадаги озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳолати:

➤ 2015 йилда дунёда 795 млн. киши тўйиб овқатланмади ва улар жаҳон аҳолисини 10,9 фоизини ташкил этмоқда.

➤ Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида тўйиб овқатланмайдиган аҳоли 1991 йилда аҳолини 14,1 фоизини ташкил этиб, 9,6 млн. кишига тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда аҳолини 7 фоизини ёки 5,8 млн. кишини ташкил этмоқда.

➤ Марказий Осиё мамлакатларида очликка қарши кураш муваффақиятли амалга оширилаётганлиги куйидаги омиллар билан белгиланади: барқарор иқтисодий ўсиш, бой табиий ресурсларга эгалик, мигрантларнинг салмоқли пул ўтказмалари.

➤ Марказий Осиёда ягона ҳалигача тўйиб овқатланмайдиган катта аҳоли улуши мавжуд бўлган мамлакат Тожикистон ҳисобланади (33,2%)

Ўзбекистонда озиқ-овқат истеъмоли ҳолати куйидагилар билан белгиланади:

➤ Жаҳон амалиёти кўрсатишича аҳоли истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли улуши 50% дан кам бўлиши лозим, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 2016 йилда 45,3%ни ташкил этди, ваҳоланки 1990 йилда мазкур кўрсаткич 58,3% га тенг эди.

➤ Мустақилликка қадар 1990 йилда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирилиш даражаси куйидагича бўлган эди: гўшт маҳсулотлари-46,0%, сут маҳсулотлари-57,0%, қанд-56,0%, кондитер маҳсулотлари-49,0%, мевалар-51,0%, картошка-18,0%.

➤ Республикага истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини куйидаги улуши четдан олиб келинарди: донни 80%, гўшт маҳсулотларнинг 50%, сут маҳсулотларининг 60%, картошканинг 50%, қандни 100% ва бошқалар.

➤ Ўзбекистонда мақсадли ва истиқболни ўйлаб озиқ-овқат ва дон хавфсизлигини таъминлашга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш аҳолини мунтазам ўсиб бораётган асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини 80 фоизини маҳаллий товар ресурслари ҳисобидан қондириш имкониятини яратди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат истеъмолини ҳолати ва ривожланиш тенденциялари:

➤ Республикада аҳоли томонидан сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилишни кўпайишига жиддий эътибор берилмоқда ва у аҳолини озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли рақиб таркибини яхшилашга ва уни Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этиладиган ёғ, углеводлар, оқсиллар, витаминлар ва қувват қадриятларини ўртасидаги нисбатга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

➤ Ўзбекистонда сабзавот ва меваларни аҳоли истеъмол маҳсулотлари рақибидаги улуши 40-50% ташкил этиб, халқаро стандартларга мувофиқ келмоқда ва у жон бошига кундалик истеъмоли 400 граммни ташкил этмоқда.

➤ Ўзбекистонда аҳолини бир кунда истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини калориялик даражаси 2500 ккал. ташкил этиб, халқаро нормаларга мос келмоқда.

➤ Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари турлари бўйича амалда эришилган истеъмол даражаси (истеъмол савати) Ўзбекистон учун тавсия этилган нормативларга, мезонларига нисбатан юқоридир.

- 2016 йилда Ўзбекистонда 7,5 млн. тонна дон маҳсулотлари, 19 млн. тонна (эҳтиёж 8 млн. тонна) мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилди. Бу Ўзбекистон аҳолисини дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш (6,5 млн. тонна) таъминланган ҳолда дон мустақиллигига эришиш имкониятини бермади. Гап шундаки, суғориладиган ерга экиладиган кузги буғдой сифати яхши, сифатли тандир нонини ёпиш имконини бермайди. Шунинг учун мамлакат ҳар йили тахминан 2 млн. тонна буғдойни Қозоғистондан сотиб олади;

- мустақиллик йилларида шоли, маккажўхори ва арпа билан банд бўлган ерлар миқдори камайган ҳолда, картошка экиладиган майдон 43 мингдан 68 минг гектаргача кўпайди. Ҳозирги замон аграртехнологияларини қўллаш туфайли картошка ҳосилдорлиги уч марта ва ялпи ҳосил беш марта кўпайди;

- чорвачилик маҳсулотлари қорамол сонини кўпайиши туфайли кескин ортди.

Ўзбекистонда истиқболда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги кутилаётган потенциал рисклар ва муаммолар мавжуд:

➤ 2021 йилга бориб мамлакатда мева ва сабзавотларни етиштиришни 26 млн. тоннага етказиш асосида мева ва сабзавот экспорт ҳажминини икки бараварга кўпайтириш, жумладан қайта ишланган маҳсулот улушини 17 фоиздан 30 фоизга етказиш кўзда тутилган;

➤ Ер ресурсларини чегараланганлиги ва тупроқ унумдорлигини пасайиши (ерларни шўрланиши, урбанизация, суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланишининг камайиши, тупроқ эрозияси). 2014 йилда Ўзбекистонда жон бошига 0,161 гектар суғориладиган ва 0,122 гектар экиладиган ер майдони тўғри келди. Турли даражада шўрланган ерлар ер майдонларининг 67% ини ташкил этмоқда. 245 минг гектар паст сифатга эга бўлган суғориладиган ер майдони ишлаб чиқариш айланмасидан чиқиб кетди. Тупроқ бонитети бали 1991 йилдаги 60 дан 2007 йилда 53 га тушди, жумладан ўртача республика бўйича пахта ҳосилдорлиги гектарига 1960 йилдан 29,5 центнер ўрнига 2015 йилда 25,7 центнерни ташкил этди;

➤ Сув ресурслари танқислигининг кучайиши (республика ҳозир ҳар йили ўртача 51 млрд м³ сув истеъмол қилади, эҳтиёжи эса 65 млрд м³ ни ташкил қилади). Ҳозирги ҳолат сақланиб қоладиган бўлса, сув танқислиги кучаяди ва қишлоқ хўжалигини ривожланишини чекловчи бош омил бўлиб қолади;

➤ Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта ҳажмда нобуд бўлиши (ўртача 25%га яқин мевалар);

➤ Мамлакат аҳолиси сони ва даромадларининг ортиши, туфайли, овқатланиш овқатланиш таркибини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари фойдасига ўзгариши.